

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ФАКУЛЬТЕТИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўқув ишлари бўйича проректор
_____ М.Камалов
_____ ” 2015 йил**

**“Давлат-хуқуқий ва халқаро-хуқуқий фанларни
ўқитиш назарияси ва амалиёти”
модули бўйича**

ЎҚУВ –УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тузувчилар: доцент, ю.ф.н. Г.Юлдашева
катта ўқитувчи Ж.Жуманиязов
доц. в.б., ю.ф.н. Х.Хайитов

ТОШКЕНТ – 2015

МУНДАРИЖА

ИШЧИ ДАСТУР.....	3
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ	8
1-мавзу. Давлат ҳокимиятини демократлаштиришда парламентнинг роли ва таъсирини кучайтириш.....	8
2-мавзу. Давлат бошқарувини ислоҳ этишда ижро ҳокимияти фаолиятини такомиллаштириш.	13
3-мавзу. Маъмурий қонунчиликни такомиллаштириш масалалари.	19
4-мавзу. Халқаро ҳукуқ ва давлат ички ҳуқуқининг ўзаро нисбати	34
5-мавзу. Инсон ҳукуклари бўйича шартномаларини амалга оширишнинг ўзига хос ҳусусиятлари.....	41
ГЛОССАРИЙ	45
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	48

ИШЧИ ДАСТУР КИРИШ

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Давлат-хуқуқий ва халқаро-хуқуқий фанларни ўқитиш назарияси ва амалиёти” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини давлат-хуқуқий фанлари ва халқаро хуқуқнинг замонавий муаммолари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, ушбу хуқуқ тизимининг муаммоларини аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш кўникма ва малакаларини таркиб топтиришдан иборат.

“Давлат-хуқуқий ва халқаро-хуқуқий фанларни ўқитиш назарияси ва амалиёти” модулининг вазифалари:

- давлат-хуқуқий фанлари ва халқаро хуқуқнинг асосий долзарб масалалари юзасидан чуқур билим олишни таъминлаш;
- давлат-хуқуқий фанлари ва халқаро хуқуқнинг соҳалари нормаларини давлат органлари томонидан амалга ошилиши масалаларини таҳлил этиш ва баҳолаш учун зарурий билимлар асосини таъминлаш;
- мантиқий ва танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш;
- конституциявий хуқуқ ва халқаро хуқуқнинг нормаларини қўллай олиш кўникмасини шакллантириш;

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникама ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Давлат-хуқуқий ва халқаро-хуқуқий фанларни ўқитиш назарияси ва амалиёти” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- давлат-хуқуқий фанлари ва халқаро хуқуқининг хусусиятларини тўғри англаш, мамлакатимизда ва халқаро майдонда бўлаётган сиёсий ва ижтимоий-иктисодий жараёнларни миллий ва халқаро хуқуқ билан боғлай олиш, қўллаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини билиши керак;
- давлат-хуқуқий фанлар ва халқаро хуқуқ муаммоларига доир кейслар тузиш, улардан амалиётда қўллаш кўникмаларига эга бўлиши зарур;
- давлат-хуқуқий фанлар ва халқаро хуқуқ муаммоларини аниқлаш, таҳлил этиш, баҳолаш ва умумлаштириш **малакаларини эгаллаши** лозим.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Давлат-хуқуқий ва халқаро-хуқуқий фанларни ўқитиш назарияси ва амалиёти” фани бир қатор хуқуқий “Давлат ва хуқуқ назарияси”, “Конституциявий хуқуқ”, “Маъмурий хуқуқ”, “Инсон хуқуқлари”, “Халқаро хуқуқ” фанлари билан ўзаро боғлиқ ҳамда услубий жиҳатдан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар давлат-хуқуқий фанлар ва

халқаро ҳуқуқнинг нормаларини амалга ошириш муаммоларини аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат						
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси				Мустакип таълим	
			Жами	Назарий	Амалий мағнуплот	Жумладан		
1.	Давлат ҳокимиятини демократлаштиришда парламентнинг роли ва таъсирини кучайтириш.	6	4	2	2	2		
2.	Давлат бошқарувини ислоҳ этишда ижро ҳокимияти фаолиятини такомиллаштириш.	6	4	2	2			2
3.	Маъмурий қонунчиликни такомиллаштириш масалалари.	4	4	2	2			
4.	Халқаро ҳуқуқ ва давлат ички ҳуқуқининг ўзаро нисбати	6	4	2	2	2		
5.	Инсон ҳуқуқлари бўйича шартномаларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари.	8	6	2	4			2
	Жами:	30	22	10	12	4	4	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Давлат ҳокимиятини демократлаштиришда парламентнинг роли ва таъсирини кучайтириш.

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг давлат ҳокимияти тизимидағи ўрни ва унинг ҳуқуқий асослари.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари.

3. Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси фаолиятининг хуқуқий асослари.

4. Хукумат фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш зарурати ва шакллари.

5. Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш масалалари.

2-мавзу. Давлат бошқарувини ислоҳ этишда ижро ҳокимияти фаолиятини такомиллаштириш.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат ҳокимияти тизимидағи ўрни.

2. Вазирлар Маҳкамасининг таркиби ва уни шакллантириш тартиби.

3. Бош вазирнинг конституциявий ваколатлари. Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш тартиби.

4. Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинадиган норматив-хуқуқий хужжатлар.

5. Ижро ҳокимияти фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари.

3-мавзу. Маъмурий қонунчиликни такомиллаштириш масалалари.

1. Маъмурий хуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси хуқуқ тизимида тутган ўрни.

2. Маъмурий-хуқуқий муносабатлар тушунчаси ва хусусиятлари.

3. Маъмурий хуқуқ субъектлари фаолиятининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш масалалари.

4. Маъмурий жавобгарликни эркинлаштириш масалалари.

5. Давлат бошқарувида қонунийлик ва интизомни таъминлаш.

4-мавзу. Халқаро хуқуқ ва давлат ички хуқуқининг ўзаро нисбати Режа:

1. Халқаро хуқуқ ва давлат ички хуқуқи нисбатига оид назариялари

2. Халқаро хуқуқ ва давлат ички хуқуқининг ўзаро таъсири

3. Халқаро хуқуқ нормаларининг миллий хуқуққа имплементацияси

5-мавзу. Инсон хуқуқлари бўйича шартномаларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари Режа:

1. Инсон хуқуқларининг миллий қонунчиликда мустаҳкамланиши

2. Инсон хуқуқларининг халқаро хуқуқда мустаҳкамланиши

3. Инсон хуқуқлари бўйича халқаро хуқуқ нормаларининг устуворлиги

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Давлат ҳокимиятини демократлаштиришда парламентнинг роли ва таъсирини кучайтириш.

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг давлат ҳокимияти тизимидағи ўрни ва унинг ҳуқуқий асослари.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси фаолиятининг ҳуқуқий асослари.
4. Ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш зарурати ва шакллари.
5. Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш масалалари.

2-мавзу. Давлат бошқарувини ислоҳ этишда ижро ҳокимияти фаолиятини такомиллаштириш.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат ҳокимияти тизимидағи ўрни.
2. Вазирлар Маҳкамасининг таркиби ва уни шакллантириш тартиби.
3. Бош вазирнинг конституциявий ваколатлари. Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш тартиби.
4. Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.
5. Ижро ҳокимияти фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари.

3-мавзу. Маъмурий қонунчиликни такомиллаштириш масалалари.

1. Маъмурий ҳуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида тутган ўрни.
2. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси ва хусусиятлари.
3. Маъмурий ҳуқуқ субъектлари фаолиятининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш масалалари.
4. Маъмурий жавобгарликни эркинлаштириш масалалари.
5. Давлат бошқаруvida қонунийлик ва интизомни таъминлаш.

4-мавзу. Халқаро ҳуқуқ ва давлат ички ҳуқуқининг ўзаро нисбати

Режа:

1. Халқаро ҳуқуқ ва миллий ҳуқуқнинг ўзаро алоқаси ва нисбати.
2. Ҳозирги даврда халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуққа ва миллий ҳуқуқнинг халқаро ҳуқуққа таъсири.
3. Ўзбекистон Республикасида халқаро ҳуқуқий нормаларнинг миллий

хуқуққа имплементацияси.

5-мавзу. Инсон ҳуқуқлари бўйича шартномаларини амалга оширишнинг ўзига хос ҳусусиятлари

Режа:

1. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар.
2. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларни амалга ошириш механизмлари.
3. Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳамкорлиги.

Кўчма машғулот мазмуни

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Қонунчилик палатаси ишини ташкил этиш, унинг таркибий бўлинмалари фаолияти билан яқиндан танишиштириш педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларининг амалий малакаларини оширишга хизмат қиласди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида кўчма машғулот амалга ошириш, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини амалий малакаларини оширишга хизмат қиласди.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчилари ўзлари танлаган мавзуда битирув лойиха ишини ёзиб, тегишли тартибда уни химоя қиласдилар.

Модул бўйича мустақил таълим топшириқлари

1. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш.
2. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари билан ўзаро муносабати.
3. Халқаро ҳуқукий нормаларининг Ўзбекистон Республикасида қўлланилиши.
4. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар.

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

1-мавзу. Давлат ҳокимиятини демократлаштиришда парламентнинг роли ва таъсирини кучайтириши.

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг давлат ҳокимияти тизимидағи ўрни ва унинг ҳуқуқий асослари.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси фаолиятининг ҳуқуқий асослари.
4. Хукумат фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш зарурати ва шакллари.
5. Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш масалалари.

1. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг мақсади:

Маърузада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг давлат ҳокимияти тизимидағи ўрни ва унинг ҳуқуқий асослари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари, Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси фаолиятининг ҳуқуқий асослари, хукумат фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш зарурати ва шакллари, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш масалалари тўғрисида ўзаро фикр алмасиши.

Маъруза натижасида талаба:

- маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлиш имкониятига эга бўлади;
- маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устидан ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли моддий ва процессуал қонун нормаларини кўллай олиш кўникмасига эга бўлади;
- ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш кўникмасига эга бўлади.

2. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- ✓ Маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;

- ✓ Маъруза мавзусининг долзарбилиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмуни ҳақида тушунча берилади;
- ✓ Мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳдил қилинади;
- ✓ Режа асосида слайдлар ёрдамида ушбу мавзуга оид тушунча ва атамалар, назарий қарапшлар тушунтирилади;
- ✓ Мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ✓ Зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ✓ Асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага якун ясалади.

3. МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:

Конституциянинг бешинчи бўлимидағи XXII боб “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси” – деб номланиб, унинг моддалари Олий Мажлис фаолиятини тартибга солади.

Олий Мажлис – Ўзбекистон Ўзбекистон Республикаси Парламенти бўлиб, қонунчилик ҳокимиятини амалга оширади. Шу билан бирга у олий давлат вакиллик органидир.

Конституциянинг 76-моддасида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади” – дейилган.

Энг аввало Олий Мажлис давлат органи. Уни давлат вакиллик органи деб юритилишининг сабаби, у халқ вакилларидан иборат.

Олий Мажлис икки палатадан, Қонунчилик палатаси – қўйи палата, Сенат - юқори палатадан иборат.

Олий Мажлиснинг палаталарини ташкил бўлиши, уларнинг аъзоларини таркибини кўрадиган бўлсак улар аҳолининг кенг қатламларини вакили эканлигига гувоҳ бўламиз. Олий Мажлис палаталарининг депутат ва сенаторлари орасида эркаклар ва аёллар, турли ёшдаги кишилар, турли касб эгалари, олимлар, турли партия вакиллари борлигини кўрамиз. Улар ҳалқнинг ишонч билдирган ва ҳалқдан ваколат олган кишилардир. Улар Олий Мажлис палаталарида ҳалқ номидан иш кўради. Шунинг учун Олий Мажлисни давлатнинг вакиллик органи деб қонунда белгилаб қўйилган.

Олий Мажлис – вакиллик органи сифатида қонунчилик ҳокимиятини амалга оширади. У мамлакатда ягона қонунчилик органи. Олий Мажлис қонунчилик органи сифатида қонунларни қабул қиласи, уларга ўзгартириш киритади ва зарур ҳолларда амалдаги қонунларни бекор қиласи. Қонун қабул қилиш билан улар мамлакат ижтимоий ҳаётининг ҳуқукий асосларини белгилайди.

Олий Мажлисни Конституция ва қонунчилик ҳокимиятини амалга оширади деб белгиланиши, унинг вазифаси факат қонун қабул қилиш билан чекланди деган хulosани келтириб чиқармайди. Республика Олий Мажлиси ҳам бутун дунёдаги парламентларга хос бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

Олий Мажлиснинг вазифаларига қуидагиларни киритиш мумкин:

1) Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш.

2) Конун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини, ваколатларини белгилаш.

3) Давлат органларининг мансабдор шахслари, аъзоларини тайинлаш, сайлашда иштирок этиш.

4) Мамлакат таркибига янги тузилмаларни қабул қилиш, уларни республика таркибидан чиқариш ҳақидаги масалалар, маъмурий-худудий тузилиш масалаларини ҳал қилиш.

5) Қабул қилинган қонунлар ижросини назорат қилиш, ижро ҳокимиятини (хукумат) фаолияти устидан назорат ўрнатиш.

Мамлакатимизда демократик жараёнларни ривожланиб бориши ижро ҳокимияти фаолияти устидан вакиллик ҳокимияти, яъни парламент назоратини кучайтиришни тақозо этмоқда.

“Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да бу масалага алоҳида эътибор берилган эди. Шу асосда Конституцияга киритилган ўзгартиришлар эса вакиллик ҳокимиятининг хукумат фаолияти устидан назоратини, хукуматни, Бosh вазирни парламент олдида масъулиятини янада кучайтиришни кўзда тутади. Бу масалалар хусусида кейинги бандларда алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Олий Мажлиснинг давлат ҳокимияти тизимидағи ўрнини аниқлаганимизда унинг қонунчилик ҳокимиятини амалга ошириши, шу туфайли бошқа ҳар қандай ҳокимият органларининг фаолиятини белгилаш, бошқа органларни тузища иштирок этиш, ижро ҳокимиятининг парламент олдида масъулиятлигига эътибор беришимиз лозим. Ана шу нарсалар Олий Мажлисни бошқа ҳокимият тузилмаларига нисбатан таъсирчан воситаларга эга ҳокимият тармоғи эканлигини кўрсатади.

4. Мухокама учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг давлат ҳокимияти тизимидағи ўрни ва вазифаларини тавсифланг.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тузилишини ва вазифаларини тавсифланг.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати ўртасидаги келишмовчиликлар қандай бартараф этилади?.

4. Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзосини чақириб олиш тартибини тушунтиринг.

5. Хукумат фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш нималарда намоён бўлади?

6. Ўзбекистонда мавжуд сиёсий партиялар парламент фаолиятида қандай иштирок этмоқда?

5. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:

1. Олий Мажлиснинг давлат ҳокимияти тизимидағи ўрни ва вазифаси.

2. Олий Мажлиснинг таркибий тузилиши.
3. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатини ташкил этиш.
4. Палаталарнинг ҳуқуқий мақоми ва ички тузилиши.
5. Палаталарнинг биргаликдаги ва мутлақ ваколатлари.
6. Қонунчилик жараёни.
7. Қонунчилик ташаббусига эга бўлган субъектлар.
8. Палаталар ўртасида юзага келувчи келишмовчиликларни ҳал этиш тартиби.
9. Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоларининг ҳуқуқий мақоми.
10. Қонунчилик палатаси депутатларининг ўз сайлов округидаги фаолияти.

6. Кейслар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бир қатор депутатлар гурухи томонидан Қарор лойиҳаси киритилди. Қарор лойиҳасида Қонунчилик палатаси Регламентига ўзгартириш киритиш орқали қуи палата қўмиталарига айрим масалалар бўйича қуи палата номидан қарор қабул қилиш ваколати берилиши назарда тутилган. Қарор лойиҳаси ташаббускорларининг фикрига кўра, мазкур амалиёт бир қатор хорижий мамлакатлар парламентида кенг қўлланилаётган бўлиб, қуи палата фаолиятини оптималлаштириш ва самарадорлигини ошириш ҳизмат қиласди.

Уибу ҳолатни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида таҳлил қилиб, вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси таркибий тузилмаларининг шаклланиш тартиби, ваколатлари ва фаолиятининг йўналишларини кўрсатинг. Қуи палата қарорлари билан қўмита қарорларини қиёсий таҳлил қилинг.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилган қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинганидан сўнг Сенатга юборилди. Бирок Сенат мажлисидаги муҳокама натижасига кўра рад этилди. Мажлисда қонуннинг рад этилиш асослари, уни қайта кўриб чиқиб, бир қатор қўшимча ва ўзгартишлар киритилиши лозимлиги хақида холосага келинди ҳамда ушбу хulosaga Сенат мажлиси баённомасига киритилиб, баённомадан кўчирма эса Қонунчилик палатасига юборилди. Қонунчилик палатаси қонунни қайта овозга қўйиб, депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқуллади ҳамда тўғридан-тўғри Президентга имзолаш ва эълон қилиш учун юборди. Сенат, қонун юқори палатада маъқулланганидан сўнггина Президентга имзоланиш ва эълон қилиш учун юборилиши мумкинлигини важ қилиб, ушбу ҳолатга нисбатан ўз эътирозини билдириди.

Уибу ҳолатни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида таҳлил қилиб, вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. Юқоридаги ҳолатда Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг ҳаракатлари қонинийми? Ўзбекистонда қонунчилик жараёнини батофсил таҳлил қилинг.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловлар бўлиб ўтди. Сайлов натижаларига кўра бир қанча сайлов округларида сайловлар ноқонуний ўтказилган деб топилди. Бироқ, бошқа сайлов округлардан сайланган депутатлар, депутатлик фаолиятини факат Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисларида қатнашиш орқали эмас, балки бошқа кўринишларда ҳам амалга оширилиши мумкинлигини важ қилиб, уларни ўз депутатлик вазифаларини бажаришга йўл қўйилишини талаб қилдилар. Уларнинг фикрича, тўлиқ шакллантирилмаган қонунчилик органи уларнинг сайланган депутатлар сифатидаги мақомига таъсир қилмайди.

Ушибу ҳолатни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида таҳлил қилиб, вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. Сайланган депутатларнинг талаблари асослами? Мазкур ҳолат қандай ҳал қилиншии лозим?

7. ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т. 1. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2012. -40 б.
4. Муаллифлар жимоаси. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. –Тошкент: Ўзбекистон, 2013.
5. Қаюмов Р.Қ. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий хуқуки. Дарслик. –Т.: ИИВ Академияси, 1997. – 400 б.
6. Таджихонов У. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий хуқуки. Дарслик. –Т.: Шарқ, 532 б.
7. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий хуқуки. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. –Т.: Молия, 2002. 645 б.
8. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий хуқуки. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. –Т.: ТДЮИ, 2005. 545 б.
9. Асадов Ш. Ўзбекистон Республикаси конституциявий хуқуки. Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2010. 145 б.
10. <http://www.lex.uz>
11. <http://www.ziyonet.uz>

2-мавзу. Давлат бошқарувини ислоҳ этишида ижро ҳокимияти фаолиятини такомиллаштириши.

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳокимият тизимидағи ўрни.
2. Вазирлар Маҳкамасининг таркиби ва уни шакллантириш тартиби.
3. Бош вазирнинг конституциявий ваколатлари. Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш тартиби.
4. Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинадиган норматив-хукуқий хужжатлар.
5. Ижро ҳокимияти фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари.

1. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг мақсади:

Маърузада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳокимият тизимидағи ўрни, Вазирлар Маҳкамасининг таркиби ва уни шакллантириш тартиби, Бош вазирнинг конституциявий ваколатлари, Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш тартиби, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинадиган норматив-хукуқий хужжатлар, ижро ҳокимияти фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари каби масалалар тўғрисида ўзаро фикр алмасиши.

Маъруза натижасида талаба:

- маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, қўникма ва тажрибага эга бўлиш имкониятига эга бўлади;
- маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли моддий ва процессуал қонун нормаларини қўллай олиш кўникмасига эга бўлади;
- ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш кўникмасига эга бўлади.

2. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- ✓ Маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ✓ Маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмуни ҳақида тушунча берилади;
- ✓ Мавзуга оид миллий ва халқаро норматив хужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ✓ Режа асосида слайдлар ёрдамида ушбу мавзуга оид тушунча ва атамалар, назарий қарашлар тушунтирилади;

- ✓ Мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ✓ Зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ✓ Асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага якун ясалади.

3. МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:

Конституцияга асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётни, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармоишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси шу вазифаларни бажариш учун тегишли ваколатларга эга бўлиб, унинг ваколатлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”¹ги (янги таҳрири) қонунда белгилаб кўйилган.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантириш соҳасида қуйилаги ваколатларга эга:

иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнларни бошқаради, мулкчиликнинг барча шаклларини уйғунлаштириш ва уларнинг тенглиги, иқтисодиётини монополиялаштиришдан чиқариш, бозор иқтисодиётининг хуқуқий механизмини ишга солиши асосида эркин тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратади;

хўжалик юритишнинг янги шакллари – концернлар, консорциумлар, тармоқлараро бирлашмалар, турли уюшмалар ва бошқа шунга ўхшаш ташкилотларни барпо этишга ва мустаҳкамлашга ёрдамлашади, иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли талаб-эҳтиёжларини қондириш заруриятидан келиб чиқсан ҳолда улар фаолиятини йўналтиради ва мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикасида пул ва кредит тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширишга қўмаклашади, ягона нарх сиёсатини ўтказиш меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг белгиланган кафолатларини ҳамда ижтимоий таъминот даражасини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини, шунингдек Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқбол кўрсаткичларини ва энг муҳим дастурларини ишлаб чиқиши ҳамда уларнинг ижросини ташкил этади;

бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида, вазирликлар, давлат қўмиматалари, идоралар ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органларини тузиш, қайта ташкил этиш ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолиятини тартибга солувчи қонун хужжатлари тўплами. -Т.: 2007, 190-198-бетлар.

тугатиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади;

фан ва техникани ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширади;

фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини, уларнинг меҳнат қилишга ижтимоий ва хукуқий ҳимояланишга бўлган хукуқларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўради. Ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштиради;

соғлиқни сақлаш, ҳалқ таълимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди, маданиятни ривожлантиришга кўмаклашиди;

Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги ва мудофаа қобилиятини, давлат чегаралари қўриқланишини таъминлаш, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш чора-тадбирларини амалга оширишга ёрдамлашади;

давлат боршқаруви органлариниг табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини биргаликда ўтказиш ҳамда республика ва ҳалқаро аҳамиятга молик йирик экологик дастурларни амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштиради, йирик авариялар ва фалокатларнинг, шунингдек табиий оғатларнинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирларини кўради;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар ва ҳалқаро ташкилотлардаги вакилларини таъминлайди, ҳукуматлараро шартнома ва битимлар тузади, уларни бажариш чора-тадбирларини кўради;

Ташқи иқтисодий фаолият, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик соҳасида раҳбарликни амалга оширади.

Бу ваколатларни амалга ошириш механизмлари ва усуллари соҳа бўйича қонунларда ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққандан кейин ўн кун муддат ичida уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Бош вазир номзоди унинг учун тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасиннинг аъзолари Бош вазир тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус

олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирига нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилган. Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қиласди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазири билан бирга истеъфога чиқади.

Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига қўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади. Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади.

4. Муҳокама учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг ташкилий хукуқий шакллари нималардан иборат.
2. Вазирлар Маҳкамасининг таркиби ва уни шакллантириш тартибини тавсифланг.
3. Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш тартибини тушунтиринг.
4. Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинадиган норматив-хукуқий ҳужжатларнинг қонунчилиқда тутган ўрнини тушунтиринг.
5. Ижро ҳокимияти фаолиятини номарказлаштириш деганда нимани тушунасиз?

5. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳокимият тизимидағи ўрни.
2. Вазирлар Маҳкамасининг асосий вазифаси.
3. Вазирлар Маҳкамасининг таркиби ва уни шакллантириш тартиби.
4. Бош вазирнинг конституциявий ваколатлари.
5. Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш тартиби.
6. Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинадиган норматив-хукуқий ҳужжатлар

6. Кейслар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдирилди. Натижада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таркиби истеъфога чиқди. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Ижро ҳокимиятининг таркибий тузилмалари ҳисобланувчи ва иерархик жихатдан Вазирлар Маҳкамасига бўйсинувчи бир қатор давлат бошқарув органлари, жумладан агентлик, концерн, корпорация, холдинг, комиссия, марказ ва инспекцияларнинг раҳбарларига Вазирлар Маҳкамасининг истеъфоси таъсир қилмади ва улар ўз лавозимларида қолдилар.

Уибу ҳолатни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида таҳлил қилиб, вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. Вазирлар Маҳкамасининг таркиби истеъфога чиқсан тақдирда, ҳукуматнинг вазифасини ким бажаради ?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўлиб ўтган сайловлардан сўнг, тегишли тартибда янги Бош вазир тасдиқланди ва у Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси таркибини шакллантириди. Бир қатор вазирлар ва давлат қўмиталари раисларининг ўринbosарлари, шунингдек давлат бошқарувининг бошқа органлари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тўғридан-тўғри лавозимга тайинланади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири эса Ҳукумат раҳбари эканлигини ҳамда ушбу лавозимларга номзодлар ҳам у билан келишилиши лозимлигини важ қилиб, ушбу вазият юзасидан давлат бошлиғига ўз эътирозини билдири.

Уибу ҳолатни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида таҳлил қилиб, вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамаси аъзолари ва давлат бошқарувининг бошқа органлари раҳбарларини тайинлаш ва лавозимидан озод этишдаги ваколатларини кўрсатинг.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўз ваколатларини бажариши мумкин бўлмай қолганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимидан озод қилинди. Бош вазир билан бирга Вазирлар Маҳкамаси таркиби ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши раиси ҳам истеъфога чиқди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Қорақалпоғистон Республикаси автоном суворен республика эканлиги ва Вазирлар Кенгаши таркиби Жўқорғи Кенгес томонидан тузилганлигини важ қилиб, Вазирлар кенгаши раиси Жўқорғи Кенгес розилиги билангина истеъфоси чиқиши лозимлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ўз эътирозини билдири.

Уибу ҳолатни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида таҳлил қилиб, вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. Сизнинг фикрингизча, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг истеъфоси Қорақалпоғистон Республикаси Ҳукумати таркибига таъсир қилиши лозимми?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлигини тугатиш ва Ўзбекистон Республикаси Матбуот давлат қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида” қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда янги ташкил этилган қўмита фаолиятига оид қоидалар билан бир қаторда, қўмита марказий девони ходимлари сони ва уларнинг таъминотига ажратиладиган маблағлар миқдори ҳам мустаҳкамлаб кўйилди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири эса ушбу қарорга нисбатан ўз эътирозини билдириб, Давлат қўмиталари, вазирликлар ва давлат бошқарувининг бошқа органлари Вазирлар Маҳкамасига бўйсунгандиги сабабли ушбу органларнинг марказий девони ходимлари сони ва улар таъминотига ажратиладиган маблағлар миқдори Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши лозимлигини билдириди.

Ушбу ҳолатни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида таҳлил қилиб, вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қонунийми? Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг эътиrozлари ўриними?

7. ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқбол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т. 1. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2012. -40 б.
4. Муаллифлар жимоаси. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. –Тошкент: Ўзбекистон, 2013.
5. Қаюмов Р.Қ. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий хуқуки. Дарслик. – Т.: ИИВ Академияси, 1997. – 400 б.
6. Таджихонов У. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий хуқуки. Дарслик. –Т.: Шарқ, 532 б.
7. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий хуқуки. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. –Т.: Молия, 2002. 645 б.
8. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий хуқуки. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. –Т.: ТДЮИ, 2005. 545 б.
9. Асадов Ш. Ўзбекистон Республикаси конституциявий хуқуки. Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2010. 145 б.
10. <http://www.lex.uz>
11. <http://www.ziyonet.uz>

З-мавзу. Маъмурий қонунчиликни тақомиллаштириш масалалари.

Режа:

1. Маъмурий ҳуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида тутган ўрни.
2. Маъмурий-хуқуқий муносабатлар тушунчаси ва хусусиятлари.
3. Маъмурий ҳуқуқ субъектлари фаолиятининг қонунчилик асосларини тақомиллаштириш масалалари.
4. Маъмурий жавобгарликни эркинлаштириш масалалари.
5. Давлат бошқарувида қонунийлик ва интизомни таъминлаш.

1. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг мақсади:

Маърузада маъмурий ҳуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида тутган ўрни, маъмурий-хуқуқий муносабатлар тушунчаси ва хусусиятлари, маъмурий ҳуқуқ субъектлари фаолиятининг қонунчилик асосларини тақомиллаштириш масалалари, маъмурий жавобгарликни эркинлаштириш масалалари, давлат бошқарувида қонунийлик ва интизомни таъминлаш каби масалалар тўғрисида ўзаро фикр алмашиш.

Маъруза натижасида талаба:

- маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлиш имкониятига эга бўлади;
- маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли моддий ва процессуал қонун нормаларини қўллай олиш кўникмасига эга бўлади;
- ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш кўникмасига эга бўлади.

2. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- ✓ Маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ✓ Маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмuni ҳақида тушунча берилади;
- ✓ Мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳдил қилинади;
- ✓ Режа асосида слайдлар ёрдамида ушбу мавзуга оид тушунча ва атамалар, назарий қарашлар тушунтирилади;
- ✓ Мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;

- ✓ Зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ✓ Асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага якун ясалади.

3. МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:

Маъмурий ҳуқуқ – давлат ҳуқуқи нормаларини янада аниқлаштириб ва тўлдириб, фуқароларнинг қўпгина ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларнинг бошқарув органлари орқали амалга ошириш механизмини ҳамда ушбу ҳуқуқларни ҳар кандай бузилишлардан ҳимоя қилишни белгилайди.

Маъмурий ҳуқуқ – давлат органларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини, унинг вазифа ва мақсадларини, ваколатлари ҳамда ҳуқуқий мақомининг бошқа томонларини, тузилиши ва фаолият жараёнини белгилаб беради.

Маъмурий ҳуқуқ – бошқарилувчи обьектларнинг алоқаларини тартибга солиб туради. Ушбу нормалар режалаштириш тартибини, моддий ресурсларни таксимлашни, иш ҳақини белгилашни ҳам мустаҳкамлайди.

Маъмурий ҳуқуқ – жамоат ташкилотлари ва жамоат органларининг ҳуқуқий мақомини ўрнатишда катта аҳамиятга эгадир.

Маъмурий ҳуқуқ нафақат бошқарувни, балки бошқарилувчи фаолиятни ҳам тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий ҳуқуқи – бу Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимининг мустақил тармоғи бўлиб, давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат.

Маъмурий ҳуқуқнинг предметига давлат бошқаруви жараёнида вужудга келадиган қуйидаги ижтимоий муносабатлар гурухини киритади:

1) ташкилий жиҳатдан бири иккинчисига бўйсинадиган давлат бошқаруви органлари ўртасидаги муносабатлар (масалан, вазирлик ва давлат қўмиталарининг уларга бўйсинган бошқарма ва бўлимлари ўртасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар);

2) бир-бирига бўйсинмайдиган давлат бошқаруви органлари ўртасидаги муносабатлар (масалан, икки вазирлик, вазирлик ва давлат қўмитаси ўртасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар);

3) давлат бошқаруви органлари ва уларга бўйсинадиган корхона, муассаса ва ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар;

4) давлат бошқаруви органлари ва жамоат бирлашмалари ўртасидаги муносабатлар;

5) давлат бошқаруви органлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар.

Маъмурий ҳуқуқнинг тартибга солиш услуби. Ҳуқуқ тизимида ҳуқуқ тармоқларига ажратишнинг асосларидан бири – бу ҳуқуқий тартибга солиш услубидир.

Ҳар бир ҳуқуқ тармоғининг ҳуқуқий тартибга солиш предмети ўзига

хос хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш услуби ҳам ўзига хос бўлишини тақозо этади.

Хукуқий тартибга солиш услуби – жамиятдаги мавжуд муносабатларга хукуқ таъсирида қўлланиладиган усул, восита ва йўллар йиғиндисидан иборатдир. Хукуқий тартибга солиш услуби узок тарихий жараёнда шаклланган бўлиб, давлат ундан хукуқ нормаларини яратишда ва ижтимоий муносабатлар иштирокчилари ўртасидаги алоқаларни тартибга солишда фойдаланади.

Хукуқий тартибга солиш услубларини мазмун-моҳиятига кўра икки гурухга: диспозитив ва императив услубларга бўлиш мумкин.

Ҳар қандай хукуқ тармоғи сингари маъмурий хукуқ ҳам, ўзининг тартибга солиш услубига эгадир. Маъмурий хукуқ тартибга солиш функциясини амалга ошириб, давлат бошқаруви жараёнидаги муносабатлар иштирокчиларининг хулқ-авторини тартибга соловчи ҳукуқий воситалар ёки услубларнинг муайян мажмуидан фойдаланади.

Маъмурий хукуқ тартибга солишининг ўз предметига эга бўлиб, хусусан, бу - давлат бошқаруви жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлардир. Ушбу фаолият давлат фаолиятининг бошқа турларидан ўзининг вазифалари, мақсадли йўналиши ва намоён бўлиш шакллари билан фарқ қиласди.

Маъмурий хукуқий тартибга солишига давлат органи ёки мансабдор шахс томонидан чиқариладиган кўрсатмалар хосдир. Маъмурий муносабатларнинг бошқа томони ушбу кўрсатмага бўйсенишга мажбур. Бу шуни англатадики, давлат органининг ҳокимият кўрсатмалари ёрдамида давлат амалда ўзининг бошқарув фаолияти соҳасидаги ваколатларини амалга оширади.

Маъмурий ҳукуқнинг асосий услуби, яъни маъмурий муносабатлар иштирокчиларининг хулқ-авторига таъсири кўрсатиш услуг ва воситалари - давлат-ҳокимият кўрсатмалари услуби ҳисобланади. Ушбу услубнинг қўлланиши жамиятнинг муҳим ижтимоий ва иқтисодий вазифаларини амалга ошириш учун керак бўлган бошқарувни ташкил этиш ва амалга ошириш зарурати билан белгиланади.

Маъмурий-хукуқий муносабатлар тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари. Маъмурий-хукуқий муносабатлар – бу маъмурий хукуқ нормалари асосида вужудга келадиган муносабатлардир.

Маъмурий-хукуқий муносабатлар ўзининг тузилишига кўра, муносабат субъекти, обьекти ва мазмунига эга.

Маъмурий-хукуқий муносабатларнинг *субъекти* бўлиб, унда иштирок этувчи томонлар, яъни бошқарув жараёнида маълум бир ваколатга эга бўлган (давлат бошқарув органлари, мансабдор шахслар) ёки бошқача маъмурий-хукуқий мақомга эга бўлган шахслар (фуқаролар, жамоат бирлашмалари) ҳисобланади.

Маъмурий-хукуқий муносабатларнинг *объекти* бўлиб эса, маъмурий хукуқ субъектларининг ҳаракатлари (қарорлари), уларнинг ижобий ёки салбий хулқ-автори ҳисобланади. “Объект” сўзи лотинча сўздан олинган

бўлиб, “мавзу” деган маънони англатади. Ҳар қандай ҳуқуқий муносабат маълум бир жараёнларни тартибга солишга қаратилган муайян бир вазифани бажаради. Шу сабабли объектсиз ҳуқуқий муносабат бўлиши мумкин эмас.

Кўпгина ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг обьектини – ягона, яъни давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнидаги маъмурий ҳуқуқ субъектларининг хатти-ҳаракатлари ташкил этади.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг **мазмунини** – маъмурий ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги, тақиқлар, чекловлар ташкил этади.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар (кенг тарқалган концепциялардан бири) қўйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

- а) бу муносабатлар – давлат бошқаруви соҳасида вужудга келади;
- б) бу муносабатларда ҳамма вақт давлат бошқаруви органи иштирок этади;
- в) бу – бўйсинувга асосланган муносабатлар бўлиб, унда иштирок этувчи томонлар юридик жиҳатдан тенг эмас.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари (яна бир концепцияга биноан) қўйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- а) бу муносабатлар - давлат бошқаруви жараёнида (ёки соҳасида) вужудга келади;
- б) бу муносабатларнинг мажбурий субъекти бўлиб давлат номидан оммавий-ҳуқуқий манфаатларни қўзлаб ҳаракат қилувчи давлат бошқаруви (ижро ҳокимияти) органлари ҳисобланади;
- в) бу муносабатлар - ҳокимият-бўйсинув ва томонларнинг юридик тенг эмаслиги билан тавсифланади;
- г) бу муносабатлар - оммавий ёки индивидул манфаатларни қондириш мақсадида бошқарув вазифалари ва функцияларини амалга ошириш бўйича вужудга келади;
- д) бу муносабатлар - ташкиллаштириш хусусиятига эга, яъни улар давлат бошқарувининг бошқарув обьектига ташкилотчилик таъсири доирасида вужудга келади;
- е) бу муносабатлар - қонунийликни таъминлашнинг алоҳида ҳуқуқий тартиби ва ўзининг ҳуқуқий ҳимояси билан ажралиб туради.

Ижро ҳокимияти органлари тушунчаси ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Турли ҳуқуқ соҳалари мутахассисларининг давлат органлари ва хусусан ижро ҳокимияти органлари тушунчаси, мазмуни ва аҳамияти муаммоларига бағишлиланган кўпдан-кўп илмий изланишлари мавжуддир. 90-йилларнинг бошларидан, яъни собиқ Иттифоқнинг парчаланиши, янги давлат тузилмаларининг шаклланиши ва ривожланиши билан, бу муаммога бўлган эътибор янада қучайиб борди. Бу айниқса давлатлар томонидан Асосий қонуннинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши билан янада жонланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституция асосида давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципининг ўрнатилиши билан, давлатнинг – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларига бўлиниши мустаҳкамланди.

Ижро ҳокимияти органлари - давлат ҳокимиятининг бир бўғини бўлиб, давлатнинг вазифа ва функцияларини амалга ошириш мақсадида ташкил этиладиган ҳамда давлат-ҳокимият ваколатларига эга бўлган сиёсий ташкилотdir.

Ижро ҳокимияти субъектлари ўрнатилган компетенция доирасида давлат бошқарувини амалга оширадилар. Ижро ҳокимияти - давлат бошқаруви органлари тизимидан ташқарида мавжуд бўлиши мумкин эмас. Ижро ҳокимияти – бу унинг органларини, яъни норматив тартибда ўрнатилган мақсад, вазифа, компетенция, тузилма ва бошқарув персонали (давлат хизматчилари)га эга бўлган давлат бошқаруви органларини ташкил этиш ва улар функцияланишининг тизимиdir.

Ижро ҳокимияти органлари – бу ҳокимият органлари тизимининг бир қисми бўлган, қонунлар ва бошқа норматив хужжатларни ижро этиш ва ижросини таъминлаш мақсадида давлат томонидан ташкил этиладиган, бошқарув ҳаракатларининг маҳсус шакл ва услубларидан фойдаланиб, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида бошқарув функцияларини амалга оширадиган, тегишли тузилишга, компетенцияга, давлат-ҳокимият ваколатларига ва давлат хизматчилари штатларига эга бўлган ташкилотdir.

Ижро ҳокимияти органларининг тушунчаси ҳокимият бўлиниши принципидан келиб чиқади, унинг мазмуни эса – ижро ҳокимиятининг хусусиятлари билан белгиланади.

Ижро ҳокимияти органлари – мазкур давлат ҳокимиятини амалга оширувчи асосий субъект бўлиб, унинг иштирокисиз давлат-бошқарув фаолиятини рўёбга чиқариш, маъмурий-хукуқий муносабатларни вужудга келтириш мумкин эмас. Бундан ташқари, маъмурий хукуқ бошқа субъектларининг маъмурий хукуқий ҳолати, айнан мана шу давлат органларининг фаолиятида намоён бўлади.

Ижро ҳокимияти органи - ижро ҳокимияти механизми (тизими)нинг таркибий қисми бўлиб, ижро ҳокимияти соҳасида давлат қўрсатмасига кўра ва давлат номидан ҳаракат қиласи; ижро этиш ва фармойиш бериш хусусиятидаги фаолиятни амалга оширади; ўзининг компетенциясига эга; ўзининг тузилишига эга; фаолиятнинг ўзига хос бўлган шакллари ва услубларини қўллайди.

Ижро ҳокимияти органлари – давлатнинг ижро ҳокимияти амалга оширилишини таъминлайди. Мазкур органлар мазмуни ва услубларига кўра, ўзига хос бўлган давлат фаолиятини – давлат бошқарувини амалга оширадилар.

Ижро ҳокимияти органлари ўзининг давлат-хукуқий табиатига кўра, ўзини ўзи бошқариш органларидан, функционал аҳамиятига кўра эса, давлат ҳокимиятининг бошқа органларидан, шунингдек, давлат корхона ва муассасаларидан фарқланади.

Ижро ҳокимияти органлари давлатнинг нормал функцияланишини таъминлаш мақсадида вакиллик (қонунчилик) ва суд органлари билан ўзаро муносабатда бўлади. Бу муносабатлар турли хилдаги ташкилий шаклларда намоён бўлиши мумкин (масалан, келишув комиссиялари ёки вакиллик

органларининг мажлисларида ижро ҳокимияти органи мансабдор шахсининг маълумотларини тинглаш).

Ижро ҳокимияти органлари мустақил органлар бўлиб, юридик мазмунига кўра, ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятини амалга ошириб, хуқуқий актларни қабул қилиш ва уларни амалга ошириш бўйича давлат-ҳокимият ваколатларига эга бўладилар. Улар кенг доирадаги хуқуқ ижодкорлиги, хуқуқни қўллаш ва хуқуқни ҳимоя қилиш бўйича ваколатларга эга бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ижро ҳокимияти органларининг мустақиллиги, хуқуқ билан белгиланган доирада бўлади. Уларга нисбатан “тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш мумкин” деган қоида татбиқ этилмайди.

Ижро ҳокимияти органлари – хуқуқий актлар билан белгиланган ваколат доирасида, маълум бир тартибда ва ўрнатилган хуқуқий шаклларда харакат қилишлари мумкин.

Ижро ҳокимияти органлари хуқуқий ҳолатининг муҳим хусусиятларидан бири – бу улар фаолиятининг қонуности хусусиятига эга эканлигидадир. Улар ўз фаолиятларида Конституция ва қонунларнинг талабларига қатъий риоя қилишлари, бажаришлари ва ўз ваколатлари доирасида уларнинг бошқалар томонидан бажарилишига кўмаклашишлари лозим.

Ижро ҳокимияти органларининг ўзига хос хусусиятлари:

1) ижро ҳокимияти органи – қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари сингари давлат аппаратининг алоҳида бўғини ҳисобланади. Ижро ҳокимияти органлари давлат номидан унинг сиёсатини турли соҳаларда – хўжалик, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий соҳаларда амалга оширадилар; маълум бир ҳажмдаги давлат-ҳокимият ваколатларига эга бўладилар;

2) ижро ҳокимияти органларига бериладиган давлат-ҳокимият ваколатлари уларнинг хуқуқларида ўз ифодасини топади ҳамда қуидагиларда намоён бўлади:

а) давлат номидан мажбурий бўлган хуқуқий актларни қабул қилиш. Бундай актлар – бевосита уларга бўйсинувчи корхона ва муассасаларга ёки қуий турувчи ижро ҳокимияти органларига ёки кимга бўйсимиши ва қандай мулк шаклида бўлишидан қатъи назар, барча корхона ва муассасаларга ёки жамоат (нодавлат) ташкилотларига ёхуд кенг шахслар доирасига (шу жумладан, фуқароларга) мажбурийлик хусусиятига эга;

б) хуқуқий актлар билан ўрнатилган талаблар ва қоидаларга риоя этилиши устидан кузатув (назорат)ни амалга ошириш;

в) хуқуқий актлар талабларининг бажарилишини таъминлаш ва уларни турли хилдаги бузилишлардан давлатнинг таъсир чораларини, масалан, ишонтириш, тушунтириш, рағбатлантириш ёки мажбурлов чораларини қўллаш орқали ҳимоя қилиш;

3) давлат-ҳокимият ваколатлари барча давлат ҳокимияти органларига берилганлиги сабабли, унда ижро ҳокимияти органлари ваколатининг доирасини ўрнатиш, муҳим аҳамиятга эгадир.

Ижро ҳокимияти органларининг таснифи. Ижро ҳокимияти

органларининг турли даражаларда ташкил этилиши сабабли ва фаолиятининг кенг қамровли хусусиятга эга эканлигини инобатга оладиган бўлсақ, уларни бир неча асосларга қараб гуруҳларга ажратиш, яъни таснифлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига асосланиб, ижро ҳокимияти органларини қўйидаги турларга бўлиш мумкин:

1) фаолиятининг ҳудудий доирасига қўра ижро ҳокимияти органлари уч гурухга бўлинади: а) олий ижро ҳокимияти органи (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси); б) марказий ижро ҳокимияти органлари (бунга республика миқёсида фаолият кўрсатувчи вазирликлар, давлат қўмиталари, корпорация, ассоциация, компания ва бошқалар); в) маҳаллий ижро ҳокимияти органлари (марказий ижро ҳокимияти органларининг бошқарма ва бўлимларини, ҳоким бошчилик қиладиган ижроия аппаратни киритиш мумкин);

2) ташкил этиш асосларига қўра ижро ҳокимияти органлари қўйидагиларга бўлинади: а) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида ташкил этиладиган органлар (масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси); б) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида ташкил этиладиган органлар (масалан, вазирликлар, давлат қўмиталари).

3) ижро ҳокимияти органлари ваколатларининг ҳажми ва хусусиятига қўра, улар қўйидагиларга бўлиниши мумкин:

а) умумий ваколатли давлат органлари. Бу гуруҳ давлат органларига - Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ва ҳокимларни киритиш мумкин. Бу давлат органлари, ваколат доирасида, барча соҳаларга тааллуқли бўлган қарорларни қабул қилишлари мумкин. Масалан, амалдаги қонунчиликда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнларни бошқариши кўрсатиб ўтилган бўлиб, унинг ваколати мана шу соҳалар доирасида амалга оширилади;

б) соҳавий ваколатга эга бўлган давлат органлари. Бу давлат органларини икки гурухга бўлиш мумкин: биринчидан, бир соҳа бўйича ваколатли давлат органлари - бу органлар ўз фаолиятини аниқ бир соҳа бўйича амалга оширади; иккинчидан, соҳалараро ваколатли давлат органлари - бу органлар бир неча соҳалар бўйича ҳаракат қилиш ваколатига эга бўлади.

Давлат бошқарувида қонунийлик ва интизомни таъминлаш усуллари. Давлат бошқаруви фаолияти соҳасида қонунийлик принципининг ҳаракатда бўлиши – ташкилий-хуқуқий воситалар тизими билан таъминланади. Юридик хусусиятлари ва мазмуни жиҳатидан ҳар хил бўлган бундай воситаларнинг йиғиндиси – қонунийликни таъминлаш усулларини ташкил этади.

Қонунийликни таъминлаш – бу:

биринчидан, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятида қонунийлик талабидан чега чиқишига йўл қўймаслик;

иккинчидан, қонунбузилиши ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш;

учинчидан, аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш;

тўртинчидан, бузилган ҳуқук ва қонуний манфаатларни қайта тиклаш;

бешинчидан, қонунбузилишига йўл қўйган шахсларни жавобгарликка тортиш;

олтинчидан, қонун бузилишларига йўл қўймаслик мақсадида, маълум бир чора-тадбирларни амалга ошириш.

Контрол – қонунийлик ва интизомни таъминлаш усули сифатида ёки давлат органларининг функцияси, яъни бошқарув фаолиятининг тури сифатида намоён бўлиши мумкин.

Назорат - маҳсус ваколатли давлат органлари томонидан ўзига бўйсинмаган обьект фаолиятида қонунийлик ва интизомни таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган бошқарув фаолиятининг бир туридир. Назорат олиб бориш жараёнида назорат остига олинган обьектнинг фаолиятига фақатгина қонунийлик нуқтаи назаридан баҳо берилади. Назоратни амалга ошириш вақтида назорат остига олинган обьектнинг маъмурий-хўжалик фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди.

Маъмурий назорат - давлат органлари, мансабдор шахслар, давлат ва нодавлат корхона, муассаса ва ташкилотлари, шунингдек, фуқаролар томонидан умуммажбурий қоидаларга қатъий риоя этишлари устидан олиб бориладиган давлат назоратидир.

Маъмурий назорат давлатнинг бошқа назорат турларидан қўйидаги жиҳатлари билан фарқланади:

биринчидан, назорат олиб борилаётган обьект фаолиятидаги қонунийликка риоя этилиши билан боғлиқдир;

иккинчидан, назоратни олиб борувчи давлат органи билан назорат остига олинган ўртасида ташкилий жиҳатдан бўйсинувнинг бўлиши шарт эмас;

учинчидан, уни амалга оширувчи давлат органлари доираси кенгроқдир;

тўртинчидан, турли ташкилий ва хуқуқий шаклларда амалга оширилади;

бешинчидан, назоратни олиб боришнинг маҳсус усулларига эга;

олтинчидан, давлатнинг маъмурий мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқдир.

Ижро ҳокимияти органларининг назорати. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги 2003 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикаси қонуни га биноан Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси – Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати - Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминловчи ижро ҳокимият органидир.

Қонуннинг 7-моддасига биноан, Вазирлар Маҳкамаси - вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва давлат бошқаруви бошқа органларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда

давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг хужжатлари амалдаги қонун хужжатларига зид бўлган ҳолларда уларни бекор қилиш хуқуқига эга. (Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги батафсил маълумотлар, дарсликнинг 9-боби, 5-параграфида берилган.)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари ҳамда унинг Аппарати топшириқлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми қарорлари ва топшириқларининг таркибий бўлинмалар томонидан ўз вақтида ижро этилиши юзасидан назоратни ташкил этишни таъминаш мақсадида – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Назорат бўлими ташкил этилди. Назорат бўлими ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 декбрдаги 564-сонли қарори га биноан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Назорат бўлими тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширади.

Ушбу Низомга биноан, Назорат бўлими ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигига амалга оширади. Бўлим ўз фаолиятини – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

Назорат бўлимининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари ҳамда унинг Аппарати топшириқлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми қарорлари ва топшириқлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари топшириқларининг таркибий бўлинмалар томонидан ўз вақтида ижро этилиши бўйича ишларни ташкил этиш;

2) электрон иш юритиш ва ҳужжатлар айланиши тизими асосида ҳужжатлар ва топшириқларининг ўз вақтида ижро этилишини ҳисобга олиш, уларнинг айланиши, таҳдил ва назорат қилиш ягона тизими амалга оширилишини таъминлаш;

3) Бош вазир котибияти, Бош вазирнинг ўринbosарлари аппаратлари, Вазирлар Маҳкамасининг департаментлари ва бўлимларида ижро назоратини ташкил этишга методик раҳбарлик қилиш;

4) ишларни мувофиқлаштириш ва Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг барча таркибий бўлинмаларида ижро интизоми аҳволини ўрганиш, мавжуд камчиликларни бартараф этишда зарур ёрдам қўрсатиш, камчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини, унинг ўринbosарларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарини ва таркибий бўлинмалар раҳбарларини хабардор қилиш;

5) республика вазирлклари, идоралари ва ҳокимликларига электрон

иш юритиши ва хужжатлар айланиши тизимини жорий этиш асосида хужжатларнинг бажарилишини рўйхатга олиш, ҳисобга олиш, уларнинг айланиши, таҳлил ва назорат қилиш ягона тизимини такомиллаштириш масалаларида методик ёрдам кўрсатиш;

6) Вазирлар Маҳкамаси Аппарати таркибий бўлинмаларининг тармоқ ахборот ресурсларидан, шу жумладан Интернет ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш бўйича ишларини мувофиқлаштириш.

Махсус ваколатли давлат органларининг назорати. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги қонуни га биноан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш қуидаги йўллар билан амалга оширилади:

а) текшириш, шу жумладан тафтиш, муқобил текшириш, назорат тартибида текшириш;

б) статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш;

в) идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш.

Ушбу қонунинг 3-моддасига биноан:

назорат қилувчи органлар – хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун хужжатлари билан ваколат берилган вазирликлар ва идоралар;

текшириш – хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун хужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши;

текширишларни қайд этиш дафтари – ўтказилган текширишлар тўғрисидаги ахборот ёзиб қўйиладиган махсус дафтар;

тафтиш – молия ва солиқ масалалари бўйича қонун хужжатларига риоя этилиши, солиқ, давлат статистика органларига ҳамда банкларга тақдим этиладиган ҳисобга олиш ва ҳисбот ишларининг тўғрилиги устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерлик, молия ва бошқа хужжатларини текшириш;

муқобил текшириш – операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғлиқ бўлган ва турли хўжалик юритувчи субъектлардаги ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларидаги хужжатларни таққослашдан иборат текширув;

назорат тартибида текшириш – хўжалик юритувчи субъектларнинг илгариги текширишда кўрсатилган қоидабузарликларни бартараф этиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текшириши ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш, қуидаги асосий принциплар асосида амалга оширилади:

1) назорат қилувчи органлар фаолиятида қонунийлик, холислик ва ошкоралик;

2) юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

3) хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашмаслик.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади. Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари Конун хужжатларида белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилишлари лозим.

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишига белгиланган намунадаги маҳсус гувоҳнома ва қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлгани тақдирда йўл қўйилади.

Текширувга – аудиторлик ташкилотлари ва (ёки) эксперталар жалб этилгани тақдирда, назорат қилувчи органнинг мансабдор шахси томонидан назорат қилувчи орган ва аудиторлик ташкилоти ва (ёки) эксперт ўртасидаги шартноманинг кўчирма нусхаси албатта тақдим этилади. Шартномада аудитор ва (ёки) экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи ва лавозими кўрсатилган бўлиши керак. Аудитор ва (ёки) эксперт хulosасининг тўғрилиги ва унинг Конун хужжатларига мувофиқлиги учун аудиторлик ташкилоти ва (ёки) экспертнинг жавобгарлиги тузиладиган шартноманинг зарурый шарти ҳисобланади. Аудиторлик текширувлари ва экспертизаларни ўтказиш харажатлари назорат қилувчи органлар ҳисобига амалга оширилади.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш маҳсус ваколатли орган томонидан амалга оширилади ва у чиқарган қарорларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишга доир қисми назорат қилувчи органлар учун мажбурий ҳисобланади.

Маҳсус ваколатли органнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш масалалари бўйича назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

2) хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг, шу жумладан комплекс текширувлар ҳамда тафтишларнинг назорат қилувчи органлар бир-бирининг ишини такрорлашига йўл қўймайдиган мувофиқлаштирувчи режаларини ишлаб чиқиш;

3) назорат қилувчи органларнинг текширувлар ўтказишнинг мувофиқлаштирувчи режаларига риоя қилишини назорат қилиш ҳамда режадан ташқари текширувлар маҳсус ваколатли орган билан келишмай ўтказилишига йўл қўймаслик.

Назорат қилувчи органлар томонидан юридик шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режали текшириш, шу жумладан тафтишдан ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади:

а) маҳсус ваколатли орган ёки унинг тегишли худудий бўлинмаси томонидан берилган, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни ўтказишнинг мувофиқлаштирувчи режасидан кўчирма;

б) назорат қилувчи органнинг мувофиқлаштирувчи режа асосида чиқарган бўйруғи.

Прокуратура, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш учун -

қўзғатилган жиной иш мавжудлиги асос бўлади. Бунда текширувга хўжалик юритувчи субъектнинг фақат қўзғатилган жиноят иши билан боғлиқ фаолияти қамраб олиниши мумкин бўлиб, бу ҳақда текширувни тайинлаш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган бўлиши лозим.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режадан ташқари текшириш учун – маҳсус ваколатли органнинг текширилаётган обьект номини, текширув ўтказиш мақсади, муддатлари ҳамда уни ўтказиш сабабларининг асослилиги кўрсатилган ҳолда режадан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисида чиқарган қарори, шунингдек, текширишни амалга оширувчи тегишли мансабдор шахслар таркиби ва текширувни ўтказиш муддатлари кўрсатилган буйруғи асос бўлиб хизмат қиласди.

Ҳозирги замон маъмурий ҳуқуқи ҳуқуқ тармоғи ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг тегишли тармоғи сифатида фаол ривожланиш даврини бошдан кечирмоқда. Ушбу ривожланиш жараёни давомида маъмурий ҳуқуқнинг тартибга солиш предмети аниқланмоқда, унинг деярли барча институтлари ва маъмурий ҳуқуқ тизимининг ўзи ҳам ислоҳ қилинмоқда. Бугунги кунда бозор иқтисодиётига ўтиш ва жамият ҳаётини эркинлаштириш жараёнларининг потенциал имкониятларини рўёбга чиқариш учун самарали фаолият кўрсатувчи давлат аппарати, амалга ошириладиган давлат функцияларини аниқ белгилаш ва уларни тегишли давлат институтлари ўртасида оптималь тақсимлаш, ижро этувчи ҳокимият тузилмаларининг ваколатларига аниқлик киритиш, уларнинг тартибга солиш-муҳофаза қилиш фаолиятининг шакллари ва усулларини такомиллаштириш талаб этилади. Юқорида белгиланган муаммоларнинг аксариятини ечиш маъмурий ҳуқуқ билан бевосита боғлиқ. Маъмурий ҳуқуқнинг, шу жумладан унинг барча институтларининг моҳияти оммавий ҳокимият органлари ва уларнинг тартибга солувчи таъсири татбиқ этиладиган ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш билан белгиланади. Маъмурий ҳуқуқ фани юз бераётган ўзгаришларни умумлаштиришга, янги қоидаларни таърифлашга, ислоҳотларнинг йўналишларини асослаш ва таклиф этишга ҳаракат қиласди. Бугунги кунда маъмурий ҳуқуқнинг тадқиқ этилиши лозим бўлган устувор вазифалар қўйидагилардан иборат:

- ижро этувчи ҳокимиятни ташкил этишини такомиллаштириш, марказда ва жойларда давлат бошқарув органларининг ҳуқуқий мақомини янада аниқроқ белгилаш;
- маъмурий-процессуал қонунчиликни янада ривожлантириш;
- давлат ва шахс ўртасидаги ўзаро муносабатларни маъмурий тартиб-таомиллар воситасида ҳуқуқий тартибга солишни ривожлантириш;
- фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари амалда ҳимоя қилинишини таъминлаш учун давлат бошқаруви органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан назорат маҳсус тизимни ҳуқуқий тартибга солиш;
- давлатнинг самарали фаолияти, унинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий вазифаларни самарали ҳал қилиши мақсадида давлат хизмати тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш;

- маъмурий хуқуқбузарликлар сонини камайтириш ва уларни вужудга келтирувчи сабабларни бартараф этиш, шунингдек фуқаролар ва ташкилотларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини лозим даражада ҳимоя қилиш вазифаларининг муҳимлигини инобатга олган ҳолда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш;

- иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнларининг кенгайиши ва чуқурлашуви, тадбиркорликнинг барча шакллари жадал суръатларда ривожланиши шароитида иқтисодиётни бошқариш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш.

4. Мухокама учун саволлар:

1. Маъмурий хуқуқнинг оммавий хуқуқ билан ўзаро муносабати нимада?
2. Маъмурий хуқуқнинг хусусий хуқуқ билан ўзаро муносабати нимада?

5. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:

1. Маъмурий хуқуқ тушунчаси ва маъмурий хуқуқ предметини тушунтиринг.
2. Маъмурий хуқуқ томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар доирасини очиб беринг.
3. Маъмурий хуқуқнинг тартибга солиш усулини изоҳланг.
4. Маъмурий хуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси хуқуқ тизимида тутган ўрни хақида гапиринг.
5. Давлат бошқарувида қонунийлик ва интизомни таъминлаш усуллари.
6. Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг назорати.
7. Ижро ҳокимияти органларининг назорати.
8. Махсус ваколатли давлат органларининг назорати.

6. КАЗУС

Мактаб ўқувчиси У.нинг ота-онаси фарзандининг мактабга бориши учун етарли шароит яратиб бермаганликлари учун М. бир неча ойдан бери мактабга бора олмади. Бундан хабар топган МФЙ раиси М.нинг мактабга бориши учун етарли шароит яратиб бериб, М. нинг мактабга боришини таъминлашмаса маъмурий жавобгарликка тортилишлари хақида огоҳлантирди. Аммо М.нинг ота-онаси ҳозирда ишсиз бўлганликлари учун М.нинг мактабга олиб бориш билан боғлиқ харажатларини таъминлай олмаётганлигини айтди.

Мазкур вазиятда М.нинг таълим олиш хуқуки таъминланмаётганлиги учун М.нинг ота-онасини маъмурий жавобгарликка тортиш мумкинми?

Мазкур ҳолатни амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатлари билан асослантирилган ҳолда хуқуқий ечимини ёзинг.

Фуқаро И. Тошкент шаҳридаги олийгоҳларидан бирига имтиҳон

натижаларига кўра ўқишига қабул қилинди. Ўқув йили бошлангач талаба И. олийгоҳга қарашли талабалар турар жойида жой етишмаганлиги боис Юнусобод туманидаги қариндоши фуқаро Б.нинг уйида вақтинча рўйхатдан ўтмаган ҳолда истиқомат қила бошлади. Бир ой муддат ўтгач мазкур худуд участка нозири томонидан паспорт тизими бўйича текширув ўтказилиши натижасида талаба И. ўз қариндоши фуқаро Б.нинг уйида яшаши паспорт тизими қоидаларини бузиш деб топилиб фуқаро Б.га ва талаба И.га нисбатан маъмурий жавобгарлик чораси қўлланди. Мазкур ҳолат бўйича қуидаги саволларга ҳуқуқий асослантирилган ҳолда жавоб беринг.

1. Тошкент шаҳрида фуқароларни вақтинча рўйхатдан ўтган ҳолда яшашини тартибга солувчи қандай қонун ёки қонуности хужжатлари мавжуд?

2. Тошкент шаҳрида фуқароларни вақтинча рўйхатдан ўтган ҳолда яшашини назорат қилиш қайси давлат органи ваколати доирасига киришини ҳуқуқий асосланган ҳолда ёритиб беринг.

3. Тошкент шаҳрида жойлашган олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабаларни вақтинча рўйхатга олиш бўйича муносабатларни тартибга солувчи алоҳида меъёрий хужжатлар мавжудми?

4. Талаба И. ва фуқаро Б. нинг ҳатти-ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарликнинг аломатлари борми агар бор бўлса асосланг.

5. Участка нозирининг ҳатти-ҳаракатлари қонунийми? Агар шу талаба ўрнида сиз бўлсангиз ўзингизни биронбир ҳуқуқий асосга кўра ҳимоя қила оласизми?

7. МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

1) Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” тўғрисидаги маъruzasi // Халқ сўзи 2010 йил 13 ноябрь сони.

2) Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириштараққиётимизнинг муҳим омилидир” деб номланган маъruzasi // “Халқ сўзи” газетаси. 2010 йил 8 декабрь, №236 (5151).

3) Алимов Х.Р., Соловьева Л.И. и др. Административное право Республики Узбекистан. Учебник для юридических вузов. - Т.: Адолат, 1998. – 484 с.

4) Алимов Х.Р., Махмудов А.А., Исмоилов Н.Т. Маъмурий ҳуқук. Дарслик. 2-нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003.— 367 б.

5) Хамедов И. Административное право. Учебник.- Т.: УМЭД, 2004. – 234 с.

6) Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурий ҳуқуқ: Бакалавриатнинг 5380100 - Юриспруденция йўналиши талабалари учун дарслик – Т.: 2006. – 800 б

7) Erkin Xoziyev, To'qin Xoziyev. Ma'muriy huquq. Darslik. – T.: “Fan va texnologiya”, 2008. – 608 b.

8) Ma'muriy huquq: Darslik / X.T. Odilqoriyev, I.Ismailov, N.T. Ismailov va boshq.; prof. X.T. Odilqoriyev va B.E.Qosimovning umumiy tahriri ostida. – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2010. – 640 b.

9) F.Хакимов. “Маъмурий ҳуқуқ” фанидан ўқув-услубий мажмua. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011.

4-мавзу. Халқаро хуқуқ ва давлат ички хуқуқининг ўзаро нисбати

Режа:

1. Халқаро хуқуқ ва давлат ички хуқуқи нисбатига оид назариялари
2. Халқаро хуқуқ ва давлат ички хуқуқининг ўзаро таъсири
3. Халқаро хуқуқ нормаларининг миллий хуқуққа имплементацияси

1. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг мақсади:

Маърузада халқаро хуқуқининг миллий хуқуқга ва миллий хуқуқининг халқаро хуқуқга нисбати, ушбу масалаларга оид халқаро-хуқуқий назарияларни ўрганиш. Халқаро хукуқда халқаро нормаларининг миллий хуқуққа имплементация жараёни тўғрисида ўзаро фикр алмасиши.

Маъруза натижасида талаба:

-маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлиш имкониятига эга бўлади;

-маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли моддий ва процессуал қонун нормаларини кўллай олиш кўникмасига эга бўлади;

-ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;

-тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш кўникмасига эга бўлади.

2. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

✓ Маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;

✓ Маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмуни ҳақида тушунча берилади;

✓ Мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;

✓ Режа асосида слайдлар ёрдамида ушбу мавзуга оид тушунча ва атамалар, назарий қарашлар тушунтирилади;

✓ Мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;

✓ Зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;

✓ Асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага якун ясалади.

3. МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:

1. Халқаро хуқуқ ва давлатички хуқуқи нисбатига оид назариялари

Халқаро ва миллий хуқуқ турли соҳаларда амал қиладиган бир-бирига

бўйсунмайдиган мустақил ҳуқуқ тизимлари ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқ ва давлатларнинг миллий ҳуқуки ўртасида қатор муҳим фарқлар бўлишига қарамай, бу икки ҳуқуқ тизими ўзаро мутаносиб бўлиб, бири иккинчисига сезиларли таъсир кўрсатади. Бунда ўзаро таъсирнинг кўринишлари ва хусусияти, халқаро ҳуқуқ ва давлат ички ҳуқуки ўртасидаги муносабатлар масаласига ҳар хил ёндашувлар шаклланган. Уларни икки йўналишда гурухлаш мумкин.

XIX аср охирида пайдо бўлган **дуалистик назария** халқаро ҳуқуқ ва давлат ички ҳуқуқининг ўзига хослигига асосланади ҳамда уларни тартиби солиш обьектлари, ҳуқукий муносабатлар субъектлари таркиби ва юридик нормалари пайдо бўлиши манбалари ҳар хиллиги туфайли, улар бир-бирига тобе эмаслигини тасдиқлайди. Мазкур назария номоёндалари Трипслъ, Анцилотти, Комаровский, Мартенс. Дуализм тарафдорлари бу икки ҳуқуқ тизими ҳар хил ҳуқукий тартиботга хизмат қилганлиги учун ҳеч қачон ўзаро баҳслаша олмаслигини таъкидлайдилар.

Фақат вақт ўтиши билан икки тизим ўртасида ўзаро алоқанинг мавжудлиги ва усиз бу тизимларнинг ҳеч бири ўз вазифаларини муваффақиятли бажара олмаслиги ҳақида фикрлар илгари сурила бошланди. Бундай қайта йўналиш олиш «**диалектик дуализм**» деб таърифланди. У халқаро ҳуқуқнинг ички ҳуқуқдан устунилигини тан олган ҳолда, халқаро ҳуқуқ ва давлат ички ҳуқуқининг узвий боғлиқлигини эътироф этиш билан тавсифланади.

Дуалистик назариядан фарқли ўлароқ, **монистик концепция** (Лассон, Кауфман, Кельзен, Руссо ва бошқ.) кўрилаётган икки тизимнинг бирлигини асослайди, аммо уларнинг бири иккинчисидан устуворлигини тан олади. Монистик йўналишлардан бирининг қарашига кўра, халқаро ҳуқуқ гўё миллий ҳуқукий тизимларнинг давоми ёки йифиндиси сифатида намоён бўлади ёхуд нормалари фақат давлат ички ҳуқуқига у ёки бу тарзда киритилгандагина юридик кучга эга бўладиган «давлатнинг ташқи ҳуқуқи» давоми ҳисобланди. Монистик назариянинг бошқа йўналиши вакиллари эса, аксинча, халқаро ҳуқуқни фақат ички ҳуқуқнинг ҳаракат доирасинигина эмас, балки унинг бутун норматив қоидалари мазмунини ҳам белгиловчи юқори ҳуқукий тизим сифатида тан олиш тарафдорларидир.

2. Халқаро ҳуқуқ ва давлат ички ҳуқуқининг ўзаро таъсири

Халқаро ҳуқуқ ва давлат ички ҳуқуки тизимлари ўртасидаги муносабатлар соҳасидаги ҳодисаларнинг аниқ ҳолатини кўриб чиқиши хронологик нуқтаи назардан миллий ҳуқуқнинг халқаро ҳуқуққа таъсири бирламчи эканлиги тўғрисидаги холосага олиб келади. Бу кейинчалик халқаро ҳуқуқ таркибига кирган юридик нормаларнинг аксар қисми аввал давлат ички ҳуқуки қоидалари сифатида шаклланганлиги билан изоҳланади. Худди шундай норма яратиш жараёнининг амалга ошиши ва ҳуқуқнинг кўриб чиқилаётган икки тизимининг ўзаро таъсирига шахс ҳуқуқ ва эркинликларини тартиби солиш соҳаси мисол бўла олади. Бу соҳа аввалдан турли мамлакатларнинг қонунчилигига мустаҳкамлангандир.

Замонавий халқаро ҳуқуқнинг кўпгина асосий принциплари ҳам шундан гувохлик беради. Улар даставвал халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, давлат ҳудудининг яхлитлиги, чегараларнинг бузилмаслиги бўйича шартнома мажбуриятларини ва бошқа шартномаларни сидқидилдан бажариш принципларини ўз ичига олган давлат ички ҳуқуқий тизимлари доирасида шаклланган ва самарали амал қилган. Халқаро ҳуқуқ томонидан миллий ҳуқуқий тизимлар доирасида пайдо бўладиган ва давлатлар фаолиятининг турли маҳсус соҳаларини тартибга солишга қаратилган: миллий табиий ресурслар ва бойликлар устидан давлат устунлигининг ажралмаслиги, чегаралар ўрнатиш ва чегара тартибини қўллаб-қувватлаш, чегараолди ҳудудлардан фойдаланишни тартибга солиш, экологик хавфсизликни таъминлаш ва бошқа ишларда халқаро ҳамкорлик каби норматив мазмундаги қоидаларни қабул қилиш асосли равишда таъкидланади.

Баъзи назариётчиларнинг фикрича, халқаро ҳуқуқнинг давлат ички ҳуқуқига таъсири халқаро ҳуқуқ ахлоқ қоидаларининг давлат ички ҳуқуқи норматив ҳужжатларида мустаҳкамланиши орқали трансформация қилинишида намоён бўлади. Шуни таъкидлаш зарурки, сўнгги пайтларда бу концепция тарафдорлари юқорида келтирилган иборанинг асослилиги тўғрисида сўз юрита бошладилар. Гап шундаки, улар халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг миллий ҳуқуққа ўтиши асл трансформацияда содир бўладиганидек, бошланғич норматив материалнинг йўқолиши билан бирга кечмаслигини тушуниб етдилар.

Энди улар бу ерда ўзгаришнинг формал юридик-техник усули эмас, балки давлат томонидан миллий ҳудуд ичида халқаро-ҳуқуқий мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида қўлланиладиган барча чоралар йиғиндиси назарда тутилишини тасдиқламоқдалар. Шундай бўлса-да, «трансформизм»нинг қатъий тарафдорлари давлат ички ҳуқуқи тизимининг халқаро ҳуқуқ нормаларини англаши тўғрисида фақат бундай нормаларнинг миллий нормалар сифатида қайта қабул қилинишини кўрсатувчи маҳсус қонун чиқарилгандан сўнггина гапириш мумкин, деган фикрдалар.

Бу масалаларда давлатларнинг реал ички амалиёти баён қилинган концепцияга мос келмаслиги сабабли, ҳозирда доктринага кўпроқ аниқликлар киритилмоқда. Уларга кўра, халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуққа қўшилиши фақат одатда конституция ёки бошқа қонун ҳужжатларида мавжуд бўлган «асосий ҳавола» асосида амалга оширилиши мумкин.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи амалиётида халқаро ҳуқуқ тизими қоидаларини давлат ички ҳуқуқида амалга ошириш жараёни (ёки халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий ҳуқуқ тизимларида қўллаш) халқаро ҳуқуқ нормаларининг ҳаётга татбиқ этилиши ёки «ҳуқуқни амалга оширишни» англатувчи «имплементация» атамаси билан белгилаш қабул қилинган. Бу мақсадда қадимдан бизгача етиб келган инкорпорация механизmlари (яъни давлат ички қонун чиқариш ҳужжатида халқаро ҳуқуқ нормаларининг аниқ, айни матн ҳолида акс эттирилиши) ёки рецепциялаш (халқаро шартнома нормасини умумий шаклда ички қонунда акс эттирилиши)дан

фойдаланилади.

Ички давлат хуқуқи ва халқаро хуқуқнинг ўзаро алоқадорлиги шундаки, халқаро хуқуқ давлатларнинг Конституциявий тузуми билан, давлатлар ва халқаро муносабатларнинг бошқа субъектлари билан ўзаро муносабатларда давлат иродасини ифодалашга ваколатли давлат ҳокимияти органлари тизими билан, шунингдек, ҳар қандай давлатнинг ички иши ҳисобланадиган ва одатда халқаро хуқуқий муносабатларни тартибга солиш доирасига кирмайдиган ишларнинг мавжудлиги билан ҳисоблашишга мажбурдир.

Ички давлат хуқуқи давлатнинг мажбуриятларини мустаҳкамловчи, маълум ҳолларда ушбу давлатнинг миллий ҳуқуқда акс эттирилиши лозим бўлган халқаро хуқуқий меъёрларнинг мавжудлиги билан ҳисоблашади.

Халқаро хуқуқ ва ички давлат хуқуқи бир-биридан алоҳида мавжуд бўлмайди. Халқаро хуқуқ меъёрларини ишлаб чиқишига миллий ҳуқуқий тизимлар таъсир кўрсатади, у давлатнинг ташки сиёсати ва дипломатиясида ўз ифодасини топади.

Халқаро хуқуқ, ўз навбатида миллий қонунчиликнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Халқаро хуқуқ меъёрлари ўз субъектлари учун, яъни энг аввало давлатлар учун хуқуқ ва мажбуриятлар туғдиради. Давлатнинг расмий органлари, унинг юридик ва жисмоний шахслари эса бевосита халқаро хуқуқ меъёрларига бўйсунмайдилар, чунки унинг субъекти бўлиб ҳисобланмайдилар. Халқаро мажбуриятларнинг ички давлат хуқуқи даражасида реал амалга оширилишини таъминлаш учун халқаро-хуқуқий меъёрларни миллий қонунларда мустаҳкамлаш, яъни трансформация қилиш чоралари кўрилади.

Кўпгина давлатларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида шундай қоида мустаҳкамлаб қўйилган, унга кўра давлатларнинг ички конуни билан халқаро шартномалари ўртасида зиддият мавжуд бўлса, халқаро шартномалар устуворликка эга бўлади. Бундай қоида халқаро хуқуқда давлатларнинг ички хуқуқий қоидалари устидан устуворлиги деб аталади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 7-моддасида шундай дейилган: «Агар халқаро шартномалар ва битимларда фуқаролик қонунчилигидагидан бошқача тарзда назарда туғилган бўлса халқаро шартномалар ва битимлардаги қоидалар қўлланилади». Мазкур қоида Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг “Халқаро шартномалар, конвенциялар ҳамда Ўзбекистон Республикаси меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатларининг нисбати” деб номланган 10-моддасида ўзгачароқ баён этилган: “Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ёки Халқаро Мехнат Ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциясида ходимлар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ёки бошқа норматив хужжатларга нисбатан имтиёзлироқ қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки конвенциянинг қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг ёки Халқаро Мехнат Ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциясининг қоидалари меҳнатга оид муносабатлар бевосита қонун

хужжатлари билан тартибга солинмаган ҳолларда ҳам қўлланилади”.

3. Халқаро хуқуқ нормаларининг миллий хуқуққа имплементацияси

Халқаро хуқуқ нормаларининг миллий хуқуққа кириб келиш жараёни халқаро хуқуқ нормаларининг миллий хуқуқ нормаларига айланишини кўзда тутган ҳолда, одатда, трансформация деб аталади. Бунда халқаро хуқуқий норма ўз мазмунини сақлаб қолсада, унинг шакли баъзан ўзгариади. Шу боис, бу ўринда имплементация, яъни халқаро хуқуқ нормаларининг миллий хуқуқ нормаларига кириб бориши ҳақида ҳам сўз боради. Трансформация куйидагича бўлиши мумкин:

биринчидан, умумий – бунда давлатнинг ўзи қабул қилган халқаро-хуқуқий нормаларнинг барчаси ёки айрим турлари мамлакат хуқуқининг узвий қисми эканини белгилайди;

иккинчидан, индивидуал – бунда алоҳида халқаро-хуқуқий нормалар ёки нормалар гурухи маҳсус ҳужжат орқали мамлакат хуқуқига киритилади;

учинчидан, бевосита – бунда халқаро шартнома қоидаси, халқаро шартнома қабул қилингандаги тўғрисидаги ҳужжатнинг тўғридан тўғри таъсир кучи натижаси ўлароқ, миллий хуқуқдан устунлик қилувчи қоида асосида юзага келади. Айни чоғда, халқаро хуқуқ нормаси давлат миллий хуқуқининг узвий қисми сифатида қўлланиши учун у ўз ўзидан ижро этиладиган бўлиши лозим;

тўртинчидан, билвосита – бунда халқаро шартнома асосида шартнома мазмунини ўзида акс эттирувчи миллий норматив ҳужжат чиқарилади.

Имплементациянинг алоҳида тури – ҳавола этиш бўлиб, у қонунда муайян қоидаларни тегишли халқаро шартномага мувофиқ равишда қўлланиши ёки тегишли вазиятда муайян халқаро шартноманинг қўлланиш зарурлиги қайд этилган ҳолатларни назарда тутади.

Миллий хуқуққа киритилган нормалар алоҳида мавқега эга бўлади. Мамлакат хуқуқий тизимининг узвий қисми сифатида улар ўз мақсад ва принципларига мос равишда, шунингдек унда белгиланган процессуал тартибга мувофиқ тарзда қўлланилади.

Келгусида бундай халқаро-хуқуқий норма ўз таркибидан олинган халқаро шартнома тақдиридан мустақил ҳолда мавжуд бўлади. У халқаро шартнома тўхтатилганидан кейин ҳам амал қилиб қолавериши мумкин.

Трансформация давлатда маҳсус қонун чиқариш ёки ушбу давлат худудида халқаро шартнома кучда эканини ва барча шахслар унинг талабларига риоя этишга мажбур эканини қонунлар асосида эълон қилиш йўли билан рўёбга чиқарилиши мумкин.

Халқаро хуқуқ миллий қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширишга ҳам ўз таъсирини қўрсатади. Миллий қонун чиқарувчи ҳокимият халқаро хуқуққа зид келадиган қонунлар чиқара олмайди. Қонун чиқарувчи ҳокимият давлатнинг зиммасидаги халқаро мажбуриятлар билан чеклаб қўйилгандир – у халқаро хуқуқ нормаларини рўёбга чиқариш учун зарур қонунлар чиқаришга мажбур.

Халқаро хуқуқининг миллий, шу жумладан конституциявий хуқуққа

таъсириниң кучайиб бориши халқаро мажбуриятлар мамлакат конституциясига мувофиқлигини назорат қилишнинг янги шакллари яратилишига сабаб бўлади. Бунда тобора кенг урф бўлиб бораётган конституциявий судлар муҳим ўрин тутиб, уларинг асосий вазифаси қонун ҳужжатларининг конституцияга нечоғли мос эканини кузатиб боришдан иборат.

Муҳокама учун саволлар:

1. Халқаро хуқуқнинг давлатларнинг ички (миллий) хуқуқи билан мутаносиблигининг ўзига хос хусусиятлари нималарда намоён бўлади.
2. Халқаро ва миллий хуқуқнинг нисбатига оид назарияларни ҳозирги кунга қўллаган ҳолда тушунириинг.
3. Ратификация қилинган халқаро шартномалар нормаларини Ўзбекистон миллий қонунчилигига имплементация қилиш механизмини ёритинг.
4. Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган шартнома қоидалари хуқуқий муносабатлар бевосита қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган ҳолларда ҳам қўлланилади. Муҳокама қилинг.
5. Умум эътироф этилган халқаро хуқуқ нормалари миллий хуқуқ нормаларидан устуворлиги тан олинади, бироқ давлатнинг расмий органлари, унинг юридик ва жисмоний шахслари эса бевосита халқаро хуқуқ меъёрларига бўйсунмайдилар. Мазкур ҳолатни тушунириинг.

4. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:

1. Халқаро хуқуқ ва миллий хуқуқнинг ўзаро алоқаси ва нисбати.
2. Ҳозирги даврда халқаро хуқуқнинг миллий хуқуқка ва миллий хуқуқнинг халқаро хуқуқка таъсири.
